

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.29.12.2018.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАФИСА ШАВКАТОВНА

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМНИ ВАРИАТИВ ЁНДАШУВ АСОСИДА
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Абдуллаева Нафиса Шавкатовна

Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш 3

Абдуллаева Нафиса Шавкатовна

Совершенствование дошкольного образования на основе вариативного
подхода 25

Abdullaeva Nafisa Shavkatovna

Improvement of preschool education on the basis of a variable approach 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.29.12.2018.Ped.80.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВА НАФИСА ШАВКАТОВНА

Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2019.1.PhD/Ped1868 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.mdomoi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Барно Сайфутдиновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Химматалиев Дўстназар Омонович
педагогика фанлари доктори, доцент

Пўлатова Фарида Мухиддиновна
педагогика фанлари номзоди, профессор

Етакчи муассаса:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.29.12.2018.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси 17-уй. Тел.: (99871)207-04-08; факс: (99871)150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz)

Диссертация билан Мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларин қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-xat: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Қ.Т.Олимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Г.Н.Эшчанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

М.Т.Мирсолиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ижтимоий ва таълимий муаммоларнинг амалий ечимини топишда мактабгача таълим тизимида таълим ва тарбиянинг интеграциялашувига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди. Халқаро тажрибаларга таянган ҳолда мактабгача таълим тизимини инновацион ёндашув асосида такомиллаштириш, АҚШ (“Ақлий, ёки асосий, ибтидо” лойиҳаси), Буюк Британия (The Early Years Foundation Stage – EYFS дастури), Германия (Hans-Dieter Schmidt, Sabine Naumann, Heidi Colberg-Schrader дастури) ва бошқа давлатларда ҳар бир боланинг қизиқишлари, қобилияти масалалари, унинг талаблари, эҳтиёжлари, имкониятларига йўналтирилган таълим-тарбия жараёнини шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида мактабгача таълим ва тарбиянинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, педагог-тарбиячиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш, тарбияланувчиларнинг интеллектуал, эстетик ва жисмоний қобилиятларини ривожлантириш бўйича тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга моликдир. Шу жиҳатдан мактабгача таълим-тарбияда унинг мазмуни, усуллари ва воситаларини инновацион ривожлантириш мақсадида вариатив ёндашув асосида дастурлар, креатив технологияларни ишлаб чиқиш педагог-тарбиячиларнинг ижодкорлик ва технологик компетентлигини такомиллаштириш заруриятини изоҳлайди.

Республикамизда мактабгача ёшдаги болаларга билимлар вариатив ёндашув асосида ўқитиш таълим-тарбия сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга. “Мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълимга тўлароқ қамраб олинишига эришиш, педагог ва мутахассисларнинг малакавий даражасини юксалтириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Бунда ҳар бир болага унинг психологик ва жисмоний ривожланиш хусусиятлари, талаблари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб индивидуал ёндашиш, ота-оналар билан олиб бориладиган ишнинг мазмуни ва шаклларини такомиллаштириш, вариативлик асосида ташкил қилишнинг илмий, дидактик ва технологик жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2016 йил 29 декабрдаги ПҚ-2707-сон “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” қарори

Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мос ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача таълим муассасаларида таълим тарбия жараёнини ривожлантиришга оид тадқиқотлар Ф.Р.Қодирова, Н.Эгамбердиева, Д.А.Абдурахимова, М.К.Абдуҳакимова, Ў.К.Адамова, З.Азизова, М.Асқархўжаева, Х.Ахмедова, М.Ю.Аюпова, Н.Х.Бегматова, Д.Г.Бобоева, У.Бўтаева, Ф.Вахабова, Ф.Б.Валихўжаева, Д.Бабаева, Н.Джамилова, Г.Джанпеисова, Д.Зайнутдинова, Д.Каримова, Л.Муминова, А.Мухсиева, Д.Нуркелдиева, Ш.Содиқова, Д.Ж.Шарипова, Қ.С.Шодиева, Ш.Шодмонова, Н.Қаюмова, Р.Қодирова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

МДХ мактабгача таълим тарбияланувчиларнинг ўқитиш муаммолари бўйича Е.Арнаутова, Т.Афанасьева, Н.Немова, К.Белая, О.Зверева, Н.Михайленко, Н.Короткова, Т.Данилина, Т.Доронина, А.Колотовалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Мактабгача таълимда ўқитиш хусусиятлари хорижий олимлар С.Бенджамин, О.Декроли, М.Монтессори, П.Кергомар, Ж.Пиаже ва бошқаларнинг ишларида тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №ПЗ-20170927124 “Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача таълимнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш ва вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришни педагогик шарт шароитларини аниқлаш;

мактабгача таълимнинг вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг назарий-методологик жиҳатларини аниқлаш;

вариатив ёндашув асосида мактабгача таълимни такомиллаштиришнинг умумий моделини шакллантириш;

вариатив ёндашув асосида мактабгача таълим болаларини узлуксиз равишда ижодий қобилиятини, ривожланиш динамикасини аниқловчи педагогик диагностикасини такомиллаштириш;

вариативлик ёндашув асосида мактабгача таълим жараёнининг умумий моделини ва диагностик воситаларини амалга оширишнинг шарт-шароитлари ва мезонларини тажрибада синаб кўриш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларида Тошкент шаҳри, Тошкент ва Жиззах вилоятларидаги жами 7 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари иштирок этган.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган методлар мажмуи қўлланилди: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хорижий давлатлар тажрибаси асосида “Келажак сари илк таълим билан” дастури таълим шакллари (ўйин, коммуникатив, билиш тадқиқотчилиқ, бадий адабиёт, маиший меҳнат, конструкторлик, жисмоний, тасвирий, мусикий фаолиятлар) вариация асосида ишлаб чиқилган;

мактабгача таълимнинг муқобил шакллари (лекотека, қисқа муддатли гуруҳлар, болаларни ривожлантирувчи ўйин марказлари, оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасалари) вариатив ёндашув тамойиллари (эҳтиёжга асосланганлик, мосланувчанлик, ўзгарувчанлик, моделлаштириш, индивидуаллаштириш, дифференциялаш) асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълимнинг вариатив ёндашуви индивидуал таълим траекторияларини қуриш, бошланғич, оралик, якуний натижадорликни баҳолаш компонентларини лойиҳалаштириш босқичлари (тайёрлов, технологик, якуний) асосида такомиллаштирилган;

мактабгача таълимнинг муассасалари тарбияланувчиларининг мактабга тайёргарлигини баҳолаш диагностикаси тарбияланувчиларининг шахсий қобилиятлари, қизиқишлари, ривожланиш динамикаси ва хусусиятларини аниқлаган ҳолда муқобил кетма-кетликда такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Мактабгача таълим-тарбия жараёнига вариатив ёндашувни татбиқ қилишга доир методик кўрсатмалар ва

тавсиялар, “Келажак сари илк таълим билан” вариатив таълим дастури, “Ўйин ўйнаб ўрганамиз” технологияси ишлаб чиқилган;

Мактабгача таълим тарбиячилари учун “Нутқ ўстириш методикаси”, “Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқини ўстириш (3-5 ёшли болалар учун)”, “Жисмоний тарбия методикаси”, “Табиат билан таништириш методикаси”, “Атроф олам билан таништириш методикаси” номли методик қўлланмалар яратилган.

Мактабгача таълим йўналишлари талабалари, қайта тайёрлаш курслари ва мактабгача таълим тарбиячилари учун “Жисмоний тарбия” ўқув қўлланмаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланган вариатив ёндашув, услуб ва назарий материалларнинг расмий манбалардан олинганлиги, тадқиқот натижалари ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик усуллар воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли муассасалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш методикасига йўналтирилган педагогик шарт-шароитларини аниқланганлиги; мактабгача таълим тизими учун вариатив ёндашувли дастурлар ишлаб чиқилганлиги; таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш методикасига йўналтирилган ўқув-методик таъминот (илмий-методик тавсиялар)нинг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш моделини амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим тизимида вариатив дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда фойдаланиш методикасининг ишлаб чиқилганлиги ва улардан мактабгача таълим ташкилотлари раҳбарлари, услубчилари ва педагог-тарбиячилар ўз фаолиятларида ҳамда малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

хорижий давлатлар тажрибасининг вариацияси асосида ишлаб чиқилган “Келажак сари илк таълим билан” дастуридан 2015-2017 йилларда бажарилган А-5-37-рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиали интеллектуал ўйинлар” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 89-03-1332-сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим муассасаларида ўқув тарбиявий фаолиятни бола шахсига йўналтирилган ҳолда самарали амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилган;

индивидуал таълим траекторияларини қуриш, бошланғич, оралик, якуний натижадорликни баҳолаш компонентларини лойиҳалаш босқичлари ҳамда вариатив ёндашув тамойиллари асосида такомиллашган мактабгача таълимнинг муқобил шаклларида “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг Давлат ўқув дастури мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2019 йил 27 февралдаги 03-01/1-367 сон маълумотномаси). Натижада, мазкур вариатив дастур мактабгача таълим муассасаларида болаларни ижодий қобилиятини ривожланиш динамикасини таъминлашга, мактабга тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилган;

тарбияланувчиларининг шахсий қобилиятлари, қизиқишлари, ривожланиш динамикаси ва хусусиятларини аниқлаган ҳолда муқобил кетма-кетликда такомиллаштирилган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг мактабга тайёргарлигини баҳолаш диагностикаси 2015-2017 йилларда бажарилган А-5-37-рақамли “Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва бошланғич синф ўқувчиларида дастлабки математик билимларни шакллантиришга мўлжалланган мультимедиа интеллектual ўйинлар” мавзусидаги амалий лойиҳа мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2019 йил 5 апрелдаги 89-03-1332-сон маълумотномаси). Натижада мактабга тайёргарлигини баҳолаш диагностикаси оммалаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши: Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг матни 135 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий

этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда мактабгача таълимда вариатив ёндашувни татбиқ қилиш долзарб педагогик муаммо эканлиги, мактабгача таълимнинг ҳозирги ҳолати ва вариатив ёндашувни мактабгача таълим-тарбия жараёнига татбиқ қилишнинг дидактик ва методик жиҳатлари ёритиб берилган.

Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида ташкил этиш тенденцияси дунёнинг қатор ривожланган мамалакатларида ўз аксини топмоқда ҳамда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бунинг асосий сабаблари шундаки, мактабгача таълимнинг замонавий дифференциацияси, турли ижтимоий-ҳаммабоп мактабгача таълим муассасаларининг таълим бозорида кўпайиши педагогик технологиялар ва ўқув дастурларидан фойдаланишда сезиларли вариативликни талаб қилади. Ҳар бир мактабгача таълим муассасасига намунали таълим дастурлари асосида ўзининг умумтаълим дастурларини ишлаб чиқишга рухсат берилган.

Таълимнинг вариативлиги – Ўзбекистонда замонавий таълим тизими ривожланишининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Вариативлик – таълим тизимининг сифатини англади, бу эса тарбияланувчиларни таълим дастурлари ёки муайян турдаги таълим хизматларини яратиш ва уларга ўзларининг ўзгарувчан таълим эҳтиёжлари ва имкониятлари асосида танлаш имкониятини белгилайди.

Мактабгача таълим вариатив тизимининг мақсади – ҳар бир боланинг сифатли ва оммабоп (очик) таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш. Бу тизимда таълим олувчилар учун “индивидуал траектория” ишлаб чиқилган яъни, оналар талабидан келиб чиққан ҳолда, вақтни белгилаш, бола ривожланишини инобатга олиш, иқтидор ва йўналишларни ҳисобга олиш, имконияти чекланган болалар, махсус таълим талабларини инобатга олиш “индивидуал траектория”нинг асосий мезонлари сифатида қабул қилинган.

Анъанавий мактабгача таълим тизими яъни, тўлиқ кунли мактабгача таълим муассасаси ўрнига муқобил кўринишдаги таълим шаклларининг киритилиши аксарият ташкилий муаммоларни бартараф қилишга имкон берганлигини кўришимиз мумкин.

Мактабгача таълим жараёнининг вариативлиги деганда мактабгача таълим мақсадларини амалга оширишда таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг мувофиқлашган фаолияти тушунилади. Бу жараён таълим мазмунини танлашда (таълим стандартлари ва талаблари доирасида) таълим воситалари, усуллари ва мулоқот йўллари, умуман олганда мактабгача таълим мазмуни ва жараёнини танлашда намоён бўлади.

Мактабгача таълимнинг амалдаги ҳолатининг тизимли таҳлили асосида қуйидаги камчиликлар аниқланди:

мавжуд мактабгача таълим дастурлари боланинг индивидуал имкониятларини, физиологик ва интеллектуал жиҳатларини, мактабгача таълим муассасасининг ўзига хос хусусиятларини тўла қамраб олмаган;

кўллаб қилинаётган ўқув-методик, дидактик материаллар болани ижодий ривожлантиришга қаратилмаган бўлиб, репродуктив мақсад ва мазмунга эга;

керакли билимларни мустақил топиш қобилиятига эга бўлган шахсни тайёрлашга қаратилган методикалар ва технологиялардан таълим тарбия жараёнида кенг қўлланмада фойдаланилмаяпти;


миллий маданий-тарихий қадриятларни акс эттирувчи ва болалиқдан китоб ўқишга қизиқишни уйғотувчи ўқув-методик, дидактик материаллар ва бадиий адабиётларни тайёрлаш ҳамда мактабгача таълим муассасалари фаолиятига жорий этиш ишлари замонавий талабларга жавоб бермайди;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг амалдаги тизими мактабгача таълим соҳасини болаларни тарбиялаш ва ҳар томонлама ривожлантириш масалаларини профессионал даражада ҳал этишга қодир юқори малакали мутахассислар билан таъминлай олмайди.

Юқорида айтиб ўтган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, шуни эътироф этиш керакки, замон тенденциялари сифатида қабул қилинаётган мактабгача таълимда вариативлик ёндашувининг методологик, дидактик ва технологик жиҳатларининг мавжуд мактабгача таълим тизимига татбиқ этилиши кўплаб ривожланган давлатлар томонидан мактабгача таълимни такомиллаштиришда самарали йўл сифатида қабул қилинмоқда.

Вариативлик деганда, нафақат мазмун жиҳатдан фарқланадиган ўқув дастурларидан (умумтаълим, чуқурлаштирилган, кенгайтирилган даражадаги), балки таълим усуллари, шакллари ва таълим технологиялари билан фарқланадиган дастурлардан фойдаланиш ҳам назарда тутилади (1- расм). Шундан келиб чиққан ҳолда, вариативлик таълим оловчи шахсининг талаблари, эҳтиёжлари, имкониятларига йўналтирилган бўлиши керак.

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш учун тадқиқотда биз қуйидагиларни дидактик тамойилларга устуворлик бериш асосида мукамаллаштиришга эътибор қаратдик: ўқув дастурларининг вариативлиги, ўқув дастурлари, тарбия методлари ва технологиялари, таълим тарбия шакллари ва воситалари, индивидуаллаштирилган ўқув-тарбия траекториялари, ижодий фикрлашни шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган педагогик технологиялар ва баҳоловчи педагогик диагностика, педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш тизими, ўқув-тарбия жараёнида қайта алоқа тизими ҳамда битирувчи шахсининг моделини ўзига қамраб олиш керак.



1-расм. Мактабгача таълимда вариатив ёндашувнинг компонентлари


Диссертациянинг “**Мактабгача таълимда вариатив ёндашувнинг ташкилий-педагогик тизими**” деб номланган иккинчи бобида мактабгача таълим тизимида вариативликни изоҳлашда муҳим ўрин тутган “таълим технологияларнинг вариативлиги”, “индивидуаллашган таълим траекторияси” каби асосий тушунчаларнинг мазмуни ва моҳияти мавзу доирасида аниқлаштирилди, вариатив ёндашув асосида мактабгача таълимни такомиллаштиришнинг умумий модели ҳамда мактабгача таълимда болаларнинг узлуксиз равишда билиш жараёни ва ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш динамикасини баҳоловчи педагогик диагностика мазмуни ифода этилди. Вариатив таълим дастурлари асосида ташкил қилинган таълим - мактабгача таълим тизимининг сифат кўрсаткичидир. У мактабгача таълим тизими истеъмолчиларига (ота-оналар, болалар) таълим дастурлари вариантлари ва алоҳида таълим хизматлари турларини уларнинг мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиқиб танлов асосида тақдим этиш хусусияти билан характерланади.

Юқорида тақидлаганимиздек, вариативлик фақат мазмун жиҳатдан фарқланадиган ўқув дастурларидан (умумтаълим, чуқурлаштирилган, кенгайтирилган даражадаги) фойдаланишни билдирмайди, балки, таълим ва тарбия усуллари, шакллари, технологиялари билан фарқланадиган дастурларни ҳам назарда тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда, вариативлик таълим олувчи шахсининг талаблари, эҳтиёжлари, имкониятларига

йўналтирилган бўлиши керак. Буларни амалга ошириш учун таълим технологияларининг вариативлиги муҳим роль ўйнайди.

“Таълим технологияларининг вариативлиги” - боланинг шахс сифатида ривожланишига қаратилган педагогик технологиялар мажмуи бўлиб, унда таҳсил олувчига нафақат тайёр билимлар, балки унинг эҳтиёжи, иштиёқи, майллари, қобилият ва лаёқатидан келиб чиқиб, билимларни мустақил эгаллашга имконият яратувчи муқобил танлаш ва фойдаланиш тизими тушунилади.

“Таълим траекториясини индивидуаллаштиришнинг вариативлиги” деганда, боланинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган ҳамда унинг потенциалини максимал даражада очиб беришга қаратилган таълим йўл харитаси (маршрут) тушунилади. Индивидуал таълим маршрути бу боланинг ўқув фаолиятини амалга оширувчи вақтинчалик кетма-кетликдир. Ушбу таълим маршрути ўзгарувчан бўлиб, у юзага келаётган муаммо ва эҳтиёжларга боғлиқ. Ўқув дастурларидан фарқли ўлароқ, “индивидуал таълим траекторияси” мослашувчан характерга эга ҳамда тарбиячи ва бола ўртасидаги алоқаларни бошқача тарзда шакллантиради (2-расм).



2-расм. Тарбиячи ва бола ўртасидаги алоқаларнинг вариативлик асосида шаклланиши

Индивидуаллик бу тарбиячи ва бола ўртасидаги алоқа “бирга-бир” дегани эмас. Бу болани индивидуаллигини ҳисобга олган ва унинг имкониятларини очиб беришга йўналтирилган ўқув материаллари, ўқиш технологиялари ва усуллари дегани.

Юқорида билдирилган фикрлардан вариативликнинг энг асосий тамойиллари келиб чиқади, булар дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштириш. Мактабгача таълим тизимининг вариативлигини дифференциаллаштириш ва индивидуаллаштиришнинг психолого-педагогик асослари қўйидагича:

билим даражаси, ўқувлилиги;

умумий ақл қобилияти;

ўзлаштириш тезлиги, имкониятлари;

психофизиологик жиҳатлари;

ақлий қобилият фаолиятининг индивидуал жиҳатлари.

Мактабгача таълим тизимида таълим ва тарбияни дифференциаллаштириш топшириқларни қийинлиги ва осонлиги, бажариш вақтни узайтириш ёки камайтириш, жавоб кўринишларини шакллари, қўлланилган усул ва технологиялар орқали амалга оширилади.

Вариатив ёндашув асосида мактабгача таълимни такомиллаштиришнинг умумий модели ижтимоий-педагогик тизимнинг асосий компоненти сифатида ота-оналар ва болаларнинг турли эҳтиёжларига асосланган таълим талабларини қондиришга қаратилган.

Вариатив ёндашув асосида мактабгача таълимни такомиллаштиришнинг умумий моделининг асосий компонентлари бу жамият, давлат, ота-она ва боланинг талаблари, вариатив ёндашувнинг асосий тамойилари, таълим-тарбия мақсади, мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш, вариатив ёндашувига асосланган таълим-тарбия жараёни, мактабгача таълим муассасасини битириш ва узлуксиз равишда болаларни билиш жараёнини ва ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш динамикасини баҳоловчи педагогик диагностика тизими (3-расм).

Узлуксиз равишда болаларни билиш жараёнини ва ижодий қобилиятини шакллантириш ва ривожлантириш динамикасини баҳоловчи педагогик диагностика тизими *бошланғич, оралиқ ва якуний натижадорликни баҳолашни* ўз ичига олган бўлиб қўйидаги вазифаларни амалга оширади:


боланинг мактабгача таълим муассасасига илк қадам қўйгандаги шахсий қобилиятларини, қизиқишларини аниқлаш (бошланғич диагностика);

бола ривожланишининг ижтимоий вазият хусусиятларини таҳлил қилиш (оралиқ диагностика);

мактабага тайёрлаш жараёнида боланинг ривожланишини мониторинг қилиш (оралиқ диагностика);

катта мактабгача ёшдаги боланинг ривожланиш хусусиятларини, унинг мактабда ўқишга тайёрлигини аниқлаш (якуний диагностика).


Бошланғич диагностиканинг асосий мақсади мактабгача таълим муассасасига қабул қилинган болаларнинг билиш жараёнини ва ижодий ривожланишини аниқлашдан иборат. Бунинг учун график кўринишдаги тест топшириқлари таклиф қилинган.



3-расм. Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш модели

Бошланғич диагностика натижаларига кўра гуруҳ шартли равишда бир нечта кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин, масалан, ижодий сифатлари яхши ривожланган, ўрта ривожланган ва етарли даражада ривожланмаган болалар гуруҳлари. Болаларни кичик гуруҳларга бўлишдан мақсад – ҳар бир бола учун индивидуал таълим-тарбия траекториясини ишлаб чиқиш (вариатив ёндашувига асосланган таълим-тарбия жараёни). Ҳар бир кичик гуруҳнинг таълим-тарбия жараёни ўқув материаллари, ўқув усуллари ҳамда ўқув технологиялари билан фарқланади.

Мактабга тайёрлаш жараёнида оралиқ диагностика ёрдамида боланинг ривожланиш мониторинги олиб борилади ва зарурат туғилганда, ўқув-тарбия тизимига керакли ўзгаришлар киритилади (4-расм).



4-расм. Болаларнинг билиш жараёни ва ижодий қобилиятини ривожлантиришнинг педагогик-диагностика тизими

Якуний диагностиканинг мақсади болани индивидуал хусусиятлари ва ижодкорона фикрлаш қобилиятининг ривожланганлигини, яъни катта мактабгача ёшдаги боланинг ривожланиш хусусиятларини, унинг мактабда ўқитишга тайёрлигини аниқлашдан иборат.

Диссертациянинг “**Мактабгача таълимда педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш**” деб номланган учинчи бобида мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида ташкил этиш бўйича тажриба-синов ишлари натижаларининг таҳлили, мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида ташкил этишга мактабгача таълим бошқарув органлари, таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогларининг тайёрлигини шакллантиришнинг мазмуни ва методлари, тажриба-синов ишларидан олинган натижалар таҳлили ёритиб берилган.

Педагогик тажриба-синов ишлари мотивацион, когнитив, амалий ва назорат блокларда 7 та мактабгача таълим муассасаларида олиб борилди, шунингдек тажриба-синовга Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ва мутахассис ҳодимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти тингловчилари ҳам жалб қилинди.

Бу тадқиқот майдончаларида тажриба-синов ишлари 2017-2019 йиллар давомида олиб борилди. Тажриба-синов ишларида диссертант билан биргаликда малака ошириш тизимида ишловчи тажрибали профессор-ўқитувчилар қатнашдилар. Шунингдек тажриба-синовда педагоглар ва тарбияланувчилар ота-оналарининг ҳам фаол қатнашувига эришилди.

Тажриба-синов ишларининг уч босқичда ташкил этилиши ушбу жараённинг самарадорлигини таъминлади.

Биринчи таъкидловчи тажриба-синов босқичида мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва ота-оналар ўртасида аввалдан диссертация вазифаларидан келиб чиқиб тузилган махсус сўровномалар асосида сўровлар ўтказилди.

Иккинчи таълимий босқичда мактабгача таълимнинг вариатив моделини амалга ошириш бўйича барча ташкилий ҳужжатларни тасдиқлаш, таълим муассасасидаги дастурни амалга оширишни таъминловчи муҳит яратиш ва янги шакллар, методларни татбиқ этиш, ота-оналар, ижтимоий ҳамкорлар билан ўтказилган суҳбатлар ва олинган натижаларни аналитик таҳлил қилиш, доимий мониторинг ўтказиш, мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ишлари олиб борилди.

Учинчи умумлаштирувчи босқичда эса юқоридаги иккита босқичда олинган натижаларни таҳлил қилиш, тажриба-синов қатнашчиларининг талаблари ва тақлифлари асосида мактабгача таълимнинг вариатив моделини такомиллаштириш йўллари аниқлаш мақсадида ташкил этилган вариатив гуруҳлардан (“Ривожланиш гуруҳлари”, “Бўлғуси биринчи синф ўқувчиси”, “Она тилини ёки рус тилини билмаган болалар” гуруҳи, “Ёш спортчи”, “Сузишни ўрганаман” ва “Хонадон боғчаси” каби гуруҳлар) олинган натижаларни таҳлил қилиш ва математик статистика усуллари орқали уларнинг самарадорлигини аниқлаш ишлари олиб борилди.

Ота-оналарни МТМ тарбиячилари билан бирга педагогик жараёнга жалб қилиш ишлари 4 йўналишда олиб борилди:

мотивацион йўналиш (бунда тарбиячиларнинг оила билан ҳамкорликдаги вазифалари муҳокама қилинди);

когнитив йўналиш (тарбиячиларда оила ҳақидаги билимлар тизими бойитилди, оилавий тарбия, ижтимоий ва оилавий таълимнинг ўзаро таъсири масалалари бўйича ўтказилган суҳбатлар ва сўровлар натижасида уларнинг оилани ўрганиш малакалари ошди);

амалий йўналиш (бунда тарбиячилар вариатив ёндашувни амалиётга жорий қилиш бўйича амалий кўникмалар ва малакаларга эга бўлдилар);

назорат йўналишида махсус сўровнома асосида ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари аниқланди ва таҳлил қилинди.

Биринчи таъкидловчи тажриба-синов босқичида диссертацияда илгари сурилган тадқиқот ғояларини таълимга татбиқ этиш мақсадида тажриба-синов қатнашчилари билан турли ҳилдаги сўровлар ва суҳбатлар ўтказилди. Жумладан, мактабгача таълимнинг вариатив ёндашув асосида ташкил этилиши ва унга оид мунособатларни ўрганиш мақсадида мактабгача таълим муассасалари раҳбар ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институти тингловчилари билан анкета сўровлар ва суҳбатлар ўтказилди.

Ушбу сўровларнинг натижаларига кўра деярли 70 фоиз тингловчилар вариатив таълим зарурлигини эътироф этишди. Ота-оналар билан ўтказилган суҳбатлар давомида ҳам вариатив таълим болани мактабга тайёрлаш, уни мустақил фикирлашга ўргатиш, болаларнинг иқтидорини юзага чиқаришда самарали таълим шакли эканлиги таъкидланди.

Иккинчи асосий босқичда мактабгача таълимнинг вариатив моделини амалга оширувчи таълим муассасасидаги тарбиячилар ва ота-оналар билан суҳбатлар ўтказилди, уларга ижтимоий ҳамкорлар бириктирилди ва уларнинг маслаҳатларидан фойдаланилди. Таълим муассасаларидан тарбиячилар танланиб уларнинг вариатив таълимга тайёргарлиги синаб кўрилди ва уларга махсус синовлар ўтказилди (1-2-жадваллар). Ушбу махсус синовлар асосида тарбиячилар ҳамда ота-оналарнинг вариатив таълимга тайёргарлигини баҳолаш мезони ишлаб чиқилди. Унга кўра:

“Аъло” – вариатив таълим тамойиллари ва улардан фойдаланиш усулларини тўлиқ билади. Ҳамкорликни йўлга қўя олади ва тарбияланувчиларга миллий қадриятларимизни сингдира оладиган вариатив таълимдан фойдаланиб таълим-тарбия бера олади.

“Яхши” – вариатив таълим тамойиллари ва ундан фойдаланиш усулларини билади. Ҳамкорликни йўлга қўя олади ва тарбияланувчиларга миллий қадриятларимизни сингдира оладиган вариатив таълимдан фойдаланиб таълим-тарбия бера олади. Таълим беришда қисман қийналади.

“Қониқарли” – вариатив таълим тамойиллари ва ундан фойдаланиш усулларини билмайди. Ҳамкорликни йўлга қўя олади ва тарбияланувчиларга миллий қадриятларимизни сингдира олади. Вариатив таълимдан фойдаланиб таълим-тарбия берашга қийналади.

“Қониқарсиз” – вариатив таълим тамойилларидан ҳабари йўқ ва ундан фойдаланиш усулларини билмайди. Ҳамкорликни йўлга қўя олмайди. тарбияланувчиларга миллий қадриятларимизни сингдира оладиган айрим усулларни билади.

МТМ тарбиячиларининг вариатив таълимга тайёрлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов жараёнида тажриба бошида ва охирида олинган натижалар юқорида кўрсатиб ўтилган баҳолаш мезонлари асосида қуйидаги жавдалда келтирилди.

1-жадвал

МТМ тарбиячиларининг вариатив таълимга тайёрлигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба-синов натижалари

№	Тажриба-синов иштирокчилари	Сони	Аъло		Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз	
			ТБ	ТО	ТБ	ТО	ТБ	ТО	ТБ	ТО
1	Тарбиячилар	117	12	23	31	38	51	53	23	3
2	Тингловчилар	50	2	7	11	22	34	21	3	0
3	Ота-оналар	133	10	25	28	54	84	51	11	3
	Жами	300	24	55	70	114	169	125	37	6

Тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари натижасида юқорида келтирилган жадваллардаги сонли маълумотлар асосида ҳам математик-статистика усулларидан фойдаланиб, қиёсий таҳлил амалга оширилди. Тажриба натижаларини қайта ишлашда қўйидаги математик статистика усулларидан фойдаланилди.

2-жадвал

Тарбиячиларнинг педагогик жараёнга жалб этилиш босқичлари

№	Тарбиячиларнинг педагогик жараёнга жалб этилиш босқичлари	Аъло		Яхши		Қониқарли		Қониқарсиз	
		ТО	ТБ	ТО	ТБ	ТО	ТБ	ТО	ТБ
1	Мотивацион (тарбиячиларнинг оила билан ҳамкорликдаги вазифаларни хал қилиши)	31	11	81	49	54	95	1	12
2	Тарбиячиларнинг педагогик жараёнга жалб қилиниши ва бу натижалари	33	5	86	65	47	85	1	12
3	Амалий (тарбиячиларнинг амалий кўникмалар ва малакаларга эга бўлиши)	29	6	65	55	71	88	2	18
4	Назорат (сўровнома тўлдириш, ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари асосида ишнинг ижобий ўсишини аниқлаш)	35	11	84	57	47	88	1	11

Бошланғич диагностика натижаларига кўра гуруҳ шартли равишда бир нечта кичик гуруҳларга бўлиниши мумкин, масалан, ижодий сифатлари яхши ривожланган, ўрта ривожланган ва етарли даражада ривожланмаган болалар гуруҳлари. Болаларни кичик гуруҳларга бўлишдан мақсад – ҳар бир бола

учун индивидуал таълим-тарбия траекториясини ишлаб чиқиш (вариатив ёндашувига асосланган таълим-тарбия жараёни). Ҳар бир кичик гуруҳнинг таълим-тарбия жараёни ўқув материаллари, ўқув усуллари ҳамда ўқув технологиялари билан фарқланади.

Тажриба бошидаги ва тажриба охиридаги ўзлаштиришларни таққослаш мақсадида гуруҳларда ўзлаштириш баҳосининг ўртача қиймати $\bar{x} = \frac{\sum x_i m_i}{N}$ деб олинди. Бу ерда x_i – ўзлаштириш кўрсаткичи (баҳо қиймати) бўлиб, бу кўрсаткич 2 (қониқарсиз), 3 (қониқарли), 4 (яхши), 5 (аъло) қийматларни қабул қилади. m_j - баҳоларнинг такрорланиш сони, N – тажрибада иштирок этаётган респодентлар сони.

Биз тажриба натижаларининг ҳисоб-китобини амалга оширишда математик статистика усулининг қуйидаги формулаларидан фойдаландик:

1. Ўртача қийматларни аниқлаш кўрсаткичлари

$$C_s^{\sigma} = \frac{S_{\sigma}}{\sqrt{N} \bar{x}} \cdot 100\%; \quad C_s^{\circ} = \frac{S_{\circ}}{\sqrt{N} \bar{x}} \cdot 100\%; \quad (1)$$

бу ерда N – тажрибада иштирок этаётган респодентлар сони

$$S_{\sigma} = \sqrt{S_{\sigma}^2} \quad \text{ва} \quad S_{\circ} = \sqrt{S_{\circ}^2} \quad (2)$$

лар орқали эса мос стандарт хатоликлар белгиланди.

$$S^2 = \frac{1}{N} \sum_i m_i (x_i - \bar{x})^2 \quad \text{танланма дисперция}$$

2. Вариатив таълим самарадорлигини баҳоловчи ўртача қиймат тажриба охиридаги ва тажриба бошидаги баҳоларининг ўртача арифметик қийматлари нисбатидир, яъни самарадорлик коэффициенти

$$\eta = \frac{X_{\circ}^*}{X_{\sigma}^*} \quad (3)$$

бу ерда X_{\circ}^* - тажриба охиридаги баҳоларининг ўртача арифметик қиймати. X_{σ}^* - тажриба бошидаги ўзлаштириш баҳоларининг ўртача арифметик қиймати.

3. Бош тўпламларнинг номаълум ўрта қийматлари a_{\circ} ва a_{σ} лар учун ишонч ораликлари:

$$a_{\circ} \in \left[\bar{x}_{\circ} - \frac{t}{\sqrt{N}} S_{\circ}; \bar{x}_{\circ} + \frac{t}{\sqrt{N}} S_{\circ} \right] \quad (4)$$

$$a_{\sigma} \in \left[\bar{x}_{\sigma} - \frac{t}{\sqrt{N}} S_{\sigma}; \bar{x}_{\sigma} + \frac{t}{\sqrt{N}} S_{\sigma} \right]$$

бу ердаги t – нормаллашган четланиш ишонч эҳтимоли p асосида аниқланади. Масалан, $p=0,95$ деб олсак, $t=1,96$.

4. Ўрта қийматларнинг тенглиги ҳақидаги $H_0: a_T = a_H$ гипотезага қарама-қарши (альтернатив) $H_1: a_T \neq a_H$ гипотеза олинди.

Гипотезага нисбатан Стьюдентнинг

$$T = \frac{|\bar{x}_o - x_{\theta}|}{\sqrt{\frac{S_o^2}{N} + \frac{S_{\theta}^2}{N}}} \quad (5)$$

статистикаси орқали текширамыз.


Агар $T > T_{0,95}(k)$ бўлса, H_1 қабул қилинади, акс ҳолда эса H_0 қабул қилинади.

Бу ерда k Стьюдент критерийси озодлик даражасидир:

$$K = \frac{\left(\frac{S_o^2}{N} + \frac{S_{\theta}^2}{N}\right)^2}{\frac{\left(\frac{S_o^2}{N}\right)^2}{N-1} + \frac{\left(\frac{S_{\theta}^2}{N}\right)^2}{N-1}} \quad (6)$$


Бошқача айтганда, таълим юқорида келтириб ўтилган методика ёрдамида олиб борилганда олинган натижалардан ҳосил бўлган T статистика орқали олинган натижаларнинг қиймати $t=1,96$ дан катта бўлганда, самарадорликка эришиш мумкинлиги исботланади.

Ўртача ўзлаштиришнинг диаграмма кўриниши



5-расм. Ўртача ўзлаштириш кўрсаткичлари, % фоизда

Самарадорлик кўрсаткичларининг диаграммаси қуйидагича кўринишни олади



6-расм. Самардорлик кўрсаткичлари

Бунда, педагогик тажриба-синов ишлари натижаларини математик-статистик усуллар орқали таҳлил қилиш тажриба охиридаги натижавий кўрсаткичлар тажриба бошидаги кўрсаткичларга нисбатан ўртача 14% га ошганлигини исботлайди.

ХУЛОСА

Биз томондан ўтказилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижаси қуйидаги хулосалар қилиш имконини берди:

1. Мактабгача таълимга оид илмий ва илмий-методик манбаларнинг тадқиқи ва таҳлили шуни кўрсатадики, мактабгача таълим тизимини вариативлик асосида ташкил этиш тенденцияси бугунги кунда жаҳоннинг бир қатор етакчи мамлакатларида мактабгача таълим-тарбия тизимида етакчи ўрин эгаллаб келаётгани кўзга ташланади.

2. Мактабгача таълим сифатини ошириш учун ўқув дастурларида болаларнинг ёши, психологик ва интеллектуал жиҳатларини инобатга олиш, таълимни индивидуаллаштириш ва дифференциялашга асосланган технологияларидан таълим-тарбия жараёнида етарли даражада фойдаланиш, болаларнинг ижодий қобилиятини ривожлантириш, мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган методик таъминотни ишлаб чиқиш ва амалда жорий этиш зарурияти асослаб берилди.

3. Вариатив ёндашувнинг асослари бўлган “таълим технологияларининг вариативлиги”, “таълим траекторияси”, “таълимни индивидуаллаштириш” тушунчаларининг моҳияти ва мазмуни диссертация предмети нуктаи назаридан такомиллаштирилди.

4. Ўқув дастурларнинг вариативлигини, таълим ва тарбия методлари, ижодий фикрлашни шакллантиришига ва ривожлантиришига қаратилган педагогик технологияларни ҳамда уларнинг динамикасини баҳоловчи педагогик диагностикаларни ўзида қамраб олувчи мактабгача таълимда вариатив ёндашув компонентлари аниқланди.

5. Узлуксиз равишда мактабгача ёшдаги болаларнинг билиш жараёни ҳамда ижодий қобилиятининг шаклланиш ва ривожланиш динамикасини баҳолашга қаратилган педагогик диагностика компонентларидан иборат бўлган жамият, давлат, болаларнинг ўзлари ва уларнинг ота-оналарининг эҳтиёжлари ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда вариатив ёндашувга асосланган таълим-тарбия жараёнини баҳолашга қаратилган мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш модели ишлаб чиқилди.

6. Вариатив ёндашув асосида мактабгача ёшдаги болалар ижодий қобилиятининг ривожланишини аниқловчи педагогик диагностика тизими ишлаб чиқилди ва амалда жорий этилди.

7. Ёши ва интеллектуал жиҳатларини ҳисобга оладиган ҳамда болаларни ижодий ривожланишини баҳолашга йўналтирилган тест топшириқлари ишлаб чиқилди.

8. Мактабгача таълимнинг вариатив ёндашув амалга такомиллаштириш моделини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича тажриба синов ишлари амалга оширилди ва уларнинг самарадорлиги математик статистик усуллар орқали тасдиқланди.

Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш бўйича қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда вариатив ёндашувни кенг жорий этиш;

мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган раҳбар ва педагог кадрларнинг вариатив ёндашувни амалиётга жорий этиш бўйича компетенцияларини ривожлантириш зарур;

вариатив ёндашувли таълим дастурларини мактабгача таълим муассасаларида самарали амалиётга жорий этиш учун методик қўлланмалар ва тавсияномалар ишлаб чиқиш;

мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштиришда замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.29.12.2018.Ped.80.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ ПЕРЕПОДГОТОВКИ И
ПОВЫШЕНИЯ КВАЛИФИКАЦИИ РУКОВОДИТЕЛЕЙ И
СПЕЦИАЛИСТОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

АБДУЛЛАЕВА НАФИСА ШАВКАТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ДОШКОЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ НА
ОСНОВЕ ВАРИАТИВНОГО ПОДХОДА**

13.00.08 – Теория и методика дошкольного образования и воспитания

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Ped1868.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.mdomoi.uz), а также на информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziyo.net)

Научный руководитель:	Абдуллаева Барно Сайфутдиновна доктор педагогических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Химматалиев Дустназар Омонович доктор педагогических наук, доцент
	Пулатова Фарида Мухиддиновна кандидант педагогических наук, профессор
Ведущая организация:	Гулистанский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD. 29.12.2018 Ped. 80.01 по присуждению ученых степеней при Институте переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений. (Адрес: 100011, город Ташкент, Мирабадский район, ул. Амира Тимура, дом 17. Тел.:(99871)207-04-08; факс: (99871)150-01-27; E-mail: mtm-malaka.oshirish@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре (зарегистрирована за №___) Института переподготовки и повышения квалификации руководителей и специалистов дошкольных образовательных учреждений. Адрес: 100011, город Ташкент, Яккасарайский район, улиц Юсуф Хос Ходжиба, дом 64. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; E-mail: mtm-malaka.oshirish@exat.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №_____ от _____ 2019 года).

К.Т.Олимов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Г.Н.Эшчанова
секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

М.Т.Мирсолиева
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению научных степеней, д.п.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире усиливается потребность в интеграции процессов образования и воспитания в системе дошкольного образования в процессе практического решения социальных и образовательных проблем. Важное значение приобретает научное исследование совершенствования системы дошкольного образования на основе инновационного подхода, опираясь на международный опыт, а также вопросов интересов и способностей каждого ребенка, формирования учебно-воспитательного процесса, направленного на требования, потребности, возможности ребенка, которые осуществляются в США (проект “Разумное или основное начало”), Великобритании (программа The Early Years Foundation Stage – EYFS), Германии (программа Hans-Dieter Schmidt, Sabine Naumann, Heidi Colberg-Schrader) и других государствах.

Во всемирном масштабе особое внимание уделяется исследованиям по разработке инновационных моделей дошкольного образования и воспитания, внедрению их на практике, подготовке обучающихся детей педагогов-воспитателей к инновационной деятельности, развития у воспитанников интеллектуального, эстетических и физических способностей. Поэтому в дошкольном образовании и воспитании в целях инновационного развития их содержания, методов и средств актуальна необходимость разработки программ на основе вариативного подхода, креативных технологий, совершенствования творческой и технологической компетентности педагогов-воспитателей.

В республике важное значение в повышении качества образования приобретает обучение детей дошкольного возраста на основе вариативного. Определены такие важные задачи, как “расширение сети дошкольных образовательных учреждений и создание в этих учреждениях условий для всестороннего интеллектуального, нравственного, эстетического и физического развития детей дошкольного возраста; повышение охвата, обеспечение равноправного доступа детей к качественному дошкольному образованию; повышение квалификационного уровня педагогов и специалистов”². При этом важное значение имеет индивидуальный подход, исходя из особенностей психологического и физического развития, потребностей и нужд каждого ребенка, совершенствование содержания и форм работы с родителями, изучение научных, дидактических и технологических аспектов организации образования на основе вариативности.

Диссертация в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах и Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-4947-сон “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года, ПП-2707 от 29 декабря

² Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4312 от 8 мая 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года”. - <http://lex.uz/docs/4327240?otherlang=3>

2016 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию системы дошкольного образования на 2017-2021 годы”, ПП-3261 от 9 сентября 2017 года “О мерах по коренному совершенствованию системы дошкольного образования”, ПП-4312 от 8 мая 2019 года “Об утверждении Концепции развития системы дошкольного образования Республики Узбекистан до 2030 года”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 391 от 13 мая 2019 года “О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности дошкольных образовательных организаций” и других нормативно-правовых актов, имеющих отношение к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с основным направлением развития науки и технологии Республики 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Исследования, посвященные развитию образовательно-воспитательного процесса в дошкольных образовательных учреждениях, осуществлены такими учеными, как Ф.Р.Кодирова, Н.Эгамбердиева, Д.А.Абдурахимова, М.К.Абдухакимова, У.К.Адамова, З.Азизова, М.Аскарходжаева, Х.Ахмедова, М.Ю.Аюпова, Н.Х.Бегматова, Д.Г.Бобоева, У.Бутаева, Ф.Вахабова, Ф.Б.Валиходжаева, Д.Бабаева, Н.Джамилова, Г.Джанпеисова, Д.Зайнутдинова, Д.Каримова, Л.Муминова, А.Мухсиева, Д.Нуркелдиева, Ш.Содикова, Д.Ж.Шарипова, К.С.Шодиева, Ш.Шодмонова, Н.Каюмова, Р.Кодирова и другими.

Вопросы обучения воспитанников учреждений дошкольного образования в странах СНГ исследовали Е. Арнаутова, Т. Афанасьева, Н. Немова, К. Белая, О.Зверева, Н. Михайленко, Н.Короткова, Т. Данилина, Т.Доронина, А.Колотова и другие.

Особенности обучения в дошкольном образовании исследованы в работах таких зарубежных ученых, как С.Бенджамин, О.Декроли, М.Монтессори, П.Кергомар, Ж.Пиаже и других.

Связь исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где было выполнено исследование. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта № ПЗ-20170927124 “Развитие педагогической деятельности в образовательных учреждениях на основе сотрудничества” согласно плану научно-исследовательских работ Ташкентского государственного педагогического университета.

Цель исследования состоит в совершенствовании дошкольного образования на основе вариативного подхода.

Задачи исследования:

